




O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADI'Y, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

№ 9 (4564) // 2020-yil 28-fevral



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Президент девони Халқ кутубхонаси очилиши муносабати билан Туркия давлати раҳбари Режеп Таййип Эрдоғанга Юнус Эмронинг ўзбек тилига янгидан таржима қилинган “Ўлмас кўнгул” номли китобини совға қилди.

“Нафақат Туркия, балки бутун мусулмон оламининг оташнафас шоири бўлган Юнус Эмронинг “Ўлмас кўнгул” номли янги китоби яқинда мамлакатимизда ўзбек тилида нашр этилди. Мен ушбу китобга “Сўзбоши” ёзиш шарафига муяссар бўлганимдан бахтиёрман.”

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президент девони Халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимидаги нутқидан.

1 март – Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллуд топган кун

СЕНИ КУЙЛАЙМАН, ҲАЁТ!



Ҳар саҳфанг ўқилгич янги бир китоб,
Ўтмишми, эртами тугилар хар боб —
Яшаш ва ёзишга қилганда хитоб,
Сукут хижолатин енгмоқ азмида
Сени қуйлайман, ҳаёт!

Ҳар фасл бир ажиб тароват тўкса,
Тўкин куз хосили шоҳларни букса,
Янги ризқ – ёмғир, қор тоғларга чўкса,
Баҳор гулин кўзга суртмоқ азмида
Сени қуйлайман, ҳаёт!

Сен ўзинг кун сари ўсган фарзандим,
Гоҳ чакноқ шодлигим, гоҳ аччиқ зардим,
Меҳнат зафарларим, бешифо дардим,
Дўстандан меҳр — мактуб кутмоқ азмида
Сени қуйлайман, ҳаёт!

Сенинг ўзинг ширин ва тансиқ тухфа,
Ҳар умр бахт шонин йўғурар пухта,
Йўғурмоқ минг тахлит ва минг бир турфа;
Бу мактабни қайта ўтмоқ азмида
Сени қуйлайман, ҳаёт!

Яшаш азиз ҳисси тавда кезганда,
Умр кўни кечиб, армон дилни эзганда,
Ҳатто ўзни хаста, заиф сезганда,
Оғир, бенаф ўйдан юрак безганда
Сени қуйлайман, ҳаёт!

Қуйлайман, қуйламоқ кун сари мушкул,
Мен сенман, сен менинг борлигим буткул,
Елкамга юк ортиб, қўлимдан туттил,
Бу бахтни назмга тўкмоқ азмида
Сени қуйлайман, ҳаёт!

“МЕНИНГ ҚЎЛИМ – ДЎСТ ҚЎЛИДУР...”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туркия Республикасига таширфи янги 2020 йилнинг – ҳали қилинган илгиринг елларий борлиқ табиат билан хайрлашиб ё хайрлашолмаётган паллалар, бир томондан эса Яратганининг қудрати билан олам айвонига Ҳамал сабаларининг гул нафаслари тириклик завқу шавқидан соғинчлар уфурётган умидбахш дамларга мутаносиб келгани голиб ва музаффар ҳаётнинг буюк ҳикматидан дарак беради. Улуг дарёлар туташиб, уммонлар ҳосил бўлгани янглиг буюк давлатларнинг олийшон раҳнаомлари умумбашарий орзу-ниятлар йўлида мулоқот юргизганларида – бу дийдорлашувнинг самараси ўлароқ халқлар, давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бани башар фарзандларининг эзгу гоёлари рўёби учун хизмат қилиши билан қадрли ва қимматлидир.

Қадим ва навқирон Туркия, ундан ҳам қадимий-роқ турк улуси биз – ўзбеклар учун қадим-ул айёмдан қондош ва жондош элдир.

Буюк бобоқалонимиз Мир Алишер Навоий ҳазратлари бундан қарийб 550 йиллар аввал “Фарҳод ва Ширин” дostonида фаҳр ва гурур билан битганларидай:

**Агар бир қавм – гар юз, йўкса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.**

Дарҳақиқат, бизнинг халқларни кўш буюк чинорларга киёс қилсақ, осмонларга буй чўса – юлдузи бир, тупроқ аро томир ёйса – илдири бир қадимий туркий тили шажарадир.

Ўзбекистон Президентининг Туркия Республикаси Президент девони Халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимидаги нутқи давлатимиз раҳбарининг том маънодаги меҳр ва эҳтироми тисоли бўлиш билан бирга, улуг аждодларимизнинг табаррук номлари ва бебаҳо маънавий-маърифий меросига билдирилган юксак ҳурмат, жўшқин ва оташин кўнгли изхори бўлиб янгради.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған ташаббуси ва раҳнамолигида барпо этилган Халқ кутубхонасининг очилиши билан барча йиғилганларни муборакбод этар экан, Ўзбекистон Президенти жумладан шундай самимий дил сўзларини айтиб ўтди: “Агар азим Анкара Туркия мамлакатининг тожи бўлса, ушбу кутубхона ана шу тожга ўрнатилган энг ёрқин, энг гўзал гавҳарлардан бири бўлибди”.

Маърузада улуг аждодларимизнинг номлари такрор ва такрор тилга олингани, Қозизода Румийдан тортиб, Мирзо Улугбек ва бо улуг зотнинг садоқатли шоғирди Али Қушчи, бу алломанинг набираси Мирам Чалабий, Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ҳазратларига, улардан сўнг Абдурауф Фитрат, Мухаммадшариф Сўфизода, Саид Ахрорий, Махмудхўжа Бехбудий, Исҳоқхон Ибрагим, Абдулла Авлоний ва Абдулла Қодирий сингари улуг маърифатпарвар адилбаримизнинг миллат қамоли ва равнақи билан бирга туркий дунёнинг бирдамлиги ва маънавий ривожий йўлидаги буюк хизматлари юксак халқаро минбардан яна бир қарра эътироф этилгани анжуман аҳлига маърифий ҳаяжонлар бағишлади.

Президентимиз шу билан биргалликда турк адабиётининг Мавлоно Жалолиддин Румий, Юнус Эмро, Аҳмад Пошо, Сайди Али Раис Котибий, Тошлижали Яхё, Ҳамди Чалабий сингари буюк намоёндаларининг асарлари бизнинг юртимизда кенг қадр топганига алоҳида эътибор қаратгани икки минг кишилик халқаро анжуманни ўзгача файз ва шукҳ билан мунаввар этди.

Анкарадаги халқ кутубхонасининг мухташам ва виқорли қошонасига ўн олтига банд ва мустаҳкам устунлар ўзгача залвор ва қўрқ бағишлаб турибди. Бу улкан ва юксак устунларнинг ўзига хос рамзий маъносига бор. Гап шундаки, хар бир устун дунёдаги ўн олтига туркий тили давлатлар тисоли сифатида намоён бўлиб турибди. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасига бағишланган устун теграсидаги китоб жавонларидан мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёти намоёндаларининг асарлари муносиб ўрин олган...

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг “Тўйга тўёна билан бормоқ лозим” деган хикматли сўзини мисол келтирар экан, Туркия Президент девони Халқ кутубхонасига 350дан зиёд турли мавзудаги китобларни тухфа этгани айниқса, маросимнинг энг ҳаяжонли ва фараҳбахш лаҳзаларидан бўлди.

Шу ҳаяжонлар жараёнида Ўзбекистон раҳбарининг ўзи “Сўзбоши” ёзган, бутун турк дунёси ва мусулмон оламининг улуг шоири Юнус Эмронинг яқинда мамлакатимизда ўзбек тилида чоп этилган “Ўлмас кўнгул” номли китобидан шеърий иқтисод келтиргани анжумандаги ҳайрат ва ҳаяжонларнинг юксак чўккиси бўлди:

**Менинг тилим – куш тилидур,
Менинг қўлим – дўст қўлидур,
Мен булбулман, дўст гулимдур,
Билинг, гулим сўлмас менинг!**

Президентимиз тилидан янграган ушбу чуқур маъноли жозибали шеърини сатрларини телекўрсатув орқали тинглар эканмиз, беҳиётёр Туркия Республикаси Президентини “Ўзбекистоннинг Миллат шоири” деб таъриф берган устоз Абдулла Орипов ижодидан мисол келтириб, “Тилимиз бир, динимиз бир, иймонимиз бир” дея ўз эҳтиромини сикқидилдан изхор этгани гуруримизга гурур қўлди.

Оврупо халқларида “Замбараклар тилга кирганда назм ва наволар садоси ўчади” мазмундаги мақол бор. Давлат раҳбарлари олий минбарлардан шеър ўқиганда эса, имонимизни қимилки, замбаракларнинг товушлари ўчмоғи муқаррар.

Оламзод эзгу орзу-умидлари, фарзандлар бахтига, эртанги кунга, тинчлик ва саодатга ишончи билан тирик. Анкарадаги олий даражадаги учрашувлар бутун дунёни ташвишга солаётган таҳдид ва таъликларни бартараф этиш йўлидаги мустаҳкам тарихий қадамлар сифатида давлатларимиз тараққиёти солномаси варақларига олтин харфлар билан битилганига олам аҳли гувоҳ бўлди.

Сирожидин САЙИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

МУНОСАБАТ

очилиши маросимида икки давлат бошлиқларининг сермазмун нутқларига алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Миллий ва жаҳон меъморчилигининг бой аънавалари асосида шундай мухташам қошона, бетакрор зиё маскани кури-

либдики, кўрса кўргулик, мактаса мактагулик, хавас қилса арзигулик. Яна азим пойтахтнинг қок марказида. Умумий майдони 125 минг квадрат метрли, 11 қаватли, 4 миллион босма нашр, 120 миллиондан зиёд файлдан иборат, бир вақтнинг ўзида 5000 ўқувчини қабул қиларкан, 24 соат давомида бетўхтов ишларкан – бундай ҳайратангиз далил, рақамлар анчагина; ўқиш, ўрганиш, билим, савияни ошириш, кўнглини дам олиш учун ниманки керак бўлса, ҳам-

ТОЖ УЗРА ПОРЛАГАН ГАВҲАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 19-20 февраль кунлари Туркия Республикасига таширфи, давлат раҳбарлари, етакчи компаниялар, тадбиркорлар билан учрашувлари, мулоқот, келишувлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Бу йирик сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маърифий воқеага жаҳон миқёсида акс-садолар давом этмоқда.

Шу ўринда Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг ташаббуси ва раҳнамолигида барпо этилган Президент девони Халқ кутубхонаси

маси муҳайё, афсонавий иншоот – рақамли иқтисодиёт, мўъжизавий ижтимоий намунаси. Дунёдан икки мингга яқин меҳмон – олим, адиб, давлат ва жамоат арбоблари, таълим, маданият намоёндалари қатнашган бу маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг олий даражадаги ягона меҳмон сифатида таклиф этилгани томирдош юртимиз, халқимизга бўлган юксак ҳурмат, эҳтиромдан далолатдир.

Икки давлат раҳбарининг сермазмун, далилларга бой, ҳароратли нутқлари бамисоли ёрқин гавҳарлардек чараклаб, икки томирдош мамлакатнинг яқин муносабатлари тарихи, бугуни, истикболни ёритиб юборди, йиғин, томоша аҳлига хуш кайфият бағишлади.

ЗИЁЛИНИНГ БУРЧИ

Мамлакатимизда 2020 йил — “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб бежиз эълон қилган йўқ. Зеро, янги Ўзбекистон истиқболи илм-фан, иқтисод, маърифат, маънавий тараққиёт асосида белгиланаётир. 2017 йил 3 август кунини мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вақиллари билан учрашувда давлатимиз раҳбари миллий маданиятимиз, адабиётимиз, санъатимизни янада юксалтириш билан боғлиқ долзарб масалаларга эътибор қаратиб, уларни ҳал этиш йўллари ҳақида қимматли таклиф ва кўрсатмаларни берди. Адабиёт, театр, кино, мусиқа, тасвирий санъат намоёндалари, умуман, зиёли бурчи ва зиёлилик масъулияти борасида теран фикрлар айтилди.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табриги адабиётни изчил ривожлантириш, ижод аҳлини хар томонлама қўллаб-қувватлаш, китобхонлик маданиятини ошириш сингари вазифалар давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганини тасдиқлади. Шарқ мумтоз адабиёти ва маданияти, ислом

зиёсининг жаҳон тамаддунига қўшган ва қўшиб келадиган бетимсол хиссасини дунё миқёсида ёритишдек масъул вазифаларни белгилаб берди.

Мухтарам Юртбошимиз зиёлининг маънавий бурчи, зиёлилик масъулияти хусусида атрофлича фикр юритаркан, хар қандай тамаддун тараққиётини фидойи зиёлилар фаолиятисиз тасаввур қилиш қийинлигини таъкидлайди: “Мамлакатимизда олиб борилган таълим ва маънавий ривожлантириш, янгилаштирилган бугунги кенг қўламли ислохотлар, янгилаштирилган жараёнида ижодкор зиёлиларимизнинг ўрни ва хиссаси қандай бўлмоқда?”

Юз-кўздан ички бир сокинлик, хотиржамлик балқиб турган, фильмларида ҳам қахрамонлар характери орқали томошабинга ўздаги осудаликни юқтирилган кинорежиссёр Аюб Шаҳобиддинов ўқувчилик пайтларидаёқ кино санъатига меҳр қўйган...



дан сўнг кимдир чирогини ёкиши учун бу ишни қилади, десак тўғрироқ бўлади. Негаки, ўғлининг ҳозирги ҳолатида авлодини давом эттириш тугул, ўз ҳаёти ҳам мавҳум

Бугун юртимизда ёшларга катта эътибор берилётгани, улар орасида, айниқса, иқтидорларга барча соҳаларда кенг имкониятлар эшигини очиб берилгани...

Албатта, бу ижодий ишларнинг барчаси бирдек юксак савияда ёзилган, деган фикрдан йироқмиз. Лекин улардаги ўз танлаган соҳасига қизиқиш, танланган мавзуга чуқурроқ қириб боришига интилиш, муҳими, бефарқ эмасликлари бизга умид бағишлайди...

Санъат бўлими.

СОКИНЛИК



Шундан сўнг, А.Шаҳобиддинов институтга бориб, Мунаввара Абдуллаева билан учрашиб қолади. Сухбат чоғида устоз бадиий адабиётни, драма, пьесаларни кўпроқ ўқиши кераклигини тавсия қилади...

ЗАМИРИДАГИ МАҲОРАТ

етмагандек, арзимаган нарсга қийинверали. Вазият шу даражага етиб келадикки, ота ва бола бирор марта дилдан сўхбатлашмайди. Аксинча, Жавоҳир отасидан жуда қўрқкади...

Сергей Бондарчук номидаги фестивалнинг энг яхши актриса учун таъсие этилган мукофотга лойиқ кўрилди. Бу картина яна қатор мукофотлар билан тақдирланди. 2015 йили Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган хужжатли фильм алабиди...

ИСТЕЪДОД ЁҒДУСИ

Миллий чоғуларимиздан гижжак овози нозик ва дардли экани, сайқала бойлиги туфайли муқотоз муҳаббатда кенг қўланиб келинмоқда. Бу чоғуларнинг қадимийлиги ҳақида Форобий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби алломаларимизнинг муҳаббат оид рисолаларида маълумотлар мавжуд...



Шундай устозлар изидан бораётган ёш истеъдод эгаси, халқаро ва республика кўрик-танловлари совридорлари Фахриёр Қосимовдир. Ёшлигидан моҳир созандалар ижодида кизиқиб, гижжак созига меҳр қўйган Фахриёр бу чоғунинг сир-асорларини Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейида...

ТАСВИРЛАРДА ЮРТ НАФАСИ

Пойтахтимиз марказидаги кўп қаватли уйлardan бирининг энг юқори қаватида тонг нурлари илк қириб келадиган бир сўйча бор. Бу манзил ижод тақдирини айланган, камтарин мусаввир Эркин Араловнинг устахонаси...

таъсирли ифодаланган. Унинг “Оқибат оқшоми”, “Шом”, “Хаёл”, “Оқшом”, “Субҳидам”, “Болалигим” каби туркум асарларида кишлоқ ҳаётининг сокин лаҳзалари инсон феъл-атвори билан уйғун талқин этилган.



Эркин ака бир қарашда босиқ инсон бўлиб кўринса-да, асарларидаги кучли ижодий тафаккур, ички тугён у ҳақида ҳақиқий тасаввурни беради. Рассом ижодидаги бу хусусиятларнинг шаклланишига устозлари — Ўзбекистон халқ рассомлари Б.Бобоёва, А.Иқромжонов, С.Раҳметов, М.Нуриддиновнинг ўрни катта.

Э.Араловнинг тарихий-маданний мерос объектлари акс этган асарлари аниқ чизгиларда ифода этилгани, табиат билан ҳамоҳанг тасвирлангани билан ажралиб туради.

Халққа хос характер хусусиятлари акс этган асарлари ҳам мусаввир ижодида оз эмас. Жумладан, “Халинчак” картинасида ўзбек кизининг одоби, оғир-босиқлиги акс этган. Асарни кузатар экансиз, кўз ўнгингизда сурхон воҳасининг қуроқли кашталари жонлангандек бўлади.

ди: “Дастохли рангтавир йўналишида ижод қилсам-да, театр санъатидан узоқ эмасдим. Талабалик даврида Ўзбек миллий академик драма театри, республика Ёш томошабинлар театрида сахналаштириш ишларида иштирок этганман. Балки шу муҳит таъсири, бутунги камтарона меҳнатларини эътироф сазовор бўлди”.

РАССОМ ВА ЗАМОН

Махлиёхон УМУРЗОҚОВА, Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси

